

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент архитектура

қурилиш институти

ректори /

Р.Р.Ҳакимов

“ 18 ” 10 2017 й.

**“Тошкент архитектура қурилиш институтидаги вакант лавозимлар”  
интерактив хизматининг регламенти**

**1. Хизмат таърифи.**

1.1. Хизмат номланиши.

Қиска номи: “Тошкент архитектура қурилиш институтидаги вакант лавозимлар”.

Кенгайтирилган номи: Тошкент архитектура қурилиш институти (кейинги ўринларла - ТАҚИ) расмий веб-сайти орқали “Тошкент архитектура қурилиш институтидаги вакант лавозимлар” хизмати.

1.2. Хизмат натижаси.

ТАҚИ бўш ўринларига (вакант лавозимлар) номзод сифатида рўйхатга олиш.

1.3. Хизмат кўрсатувчи.

Хизмат ТАҚИ томонидан кўрсатилади.

1.4. Ҳуқуқий асослар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 23 августдаги 181-сонли қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар.

Жисмоний шахслар.

1.6. Мурожаат этиш муддатлари.

Белгиланган муддатларда (муддат кўрсатилсин).

1.7. Бажарилиш муддати.

Белгиланган муддатларда (муддат кўрсатилсин).

**2. Хизматдан фойдаланувчини хабардор қилиш.**

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми.

Мурожаат этган аризачига қуйидаги ахборот берилиши лозим:

- Хизмат регламенти мавжудлиги ва регламент билан танишиш усуллари;
- ОТМларга ходимларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида тушунтиришлар бериш.

2.2. Батафсил маълумот олиш.

“ТАҚИдаги вакант лавозимлар” хизмат тўғрисида ахборот бериш ТАҚИ расмий веб-сайти орқали амалга оширилади.

2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш.

Хизмат кўрсатиладиган ТАҚИ манзили ва жамоат транспорти йўналишлари рақамлари билан бирга кўрсатади.

2.4. Фойдаланиладиган бланклар.

Ариза электрон шаклда тўлдирилади.

### 3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари.

3.1. Иш вақтлари.

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: ҳафтанинг душанба-жума кунлари соат 9<sup>00</sup> дан 18<sup>00</sup> гача.

3.2. Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари.

Белгиланган муддатларда.

### 4. Хизмат кўрсатиш тартиби.

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар.

- ЭРИ (электрон рақамли имзо);

- аризачи СТИР, меҳнат дафтарчаси, илмий даража, илмий унвон, шунингдек илмий ишлар рўйхати ва ихтиролар (мавжуд бўлса), тегишли дипломлар, аттестатлар, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномаларнинг электрон нусхасини тақдим этиши лозим.

(қўшимча ҳужжатлар талаб этилса кўрсатисин)

4.2. Хизмат тўлови.

Бепул.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари.

ТАҚИнинг расмий веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

1. id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.

2. “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Тошкент архитектура қурилиш институтидаги вакант лавозимлар” хизмати танланади.

3. Ҳужжатларнинг электрон нусхаси илова қилинади.

4. Оммавий оферта билан танишганлик тасдиқланади, “Электрон рақамли имзо билан юбориш” функцияси танланади ва ариза юборилади.


(қўшимча босқичлар бўлса кўрсатилсин).

4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни.

Электрон ариза қабул қилингандан сўнг, ариза ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади. Масъул ходим томонидан мурожаат этган шахсга олий таълим муассасаси бўш ўринларига (вакант лавозимлар) номзод сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этилади. Аризага рад жавоби берилса, унинг асослари аризачига юборилади.


**“КИРИТИЛДИ”**

Тошкент архитектура  
қурилиш институти  
Режа ва молия бўлими  
бошлиғи

  
Р.Аллаяров  
“15” 10 2017 й.

**“КЕЛИШИЛДИ”**

Тошкент архитектура  
қурилиш институти  
Ахборот технологиялари  
маркази бошлиғи

  
Э.Умматов  
“15” 10 2017 й.